

**O'ZBEKISTONDA
IJTIMOIY
FANLAR**

**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**SOCIAL
SCIENCES
IN UZBEKISTAN**



O'zbekiston
Fanlar akademiyasi

O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

Академия наук
Республики Узбекистан

Academy of Sciences
of the Republic of Uzbekistan

1-2 / 2011

ONDA IJTIMOIY FANLAR • O'ZBEKISTOND
ESTVENNYE NAUKI V UZBEKISTANE • SOCIA
CES IN UZBEKISTAN • SOCIAL SCIENCE
ONDA IJTIMOIY FANLAR • O'ZBEKISTOND
ESTVENNYE NAUKI V UZBEKISTANE • SOCIA
CES IN UZBEKISTAN • SOCIAL SCIENCE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**O'ZBEKISTONDA
IJTIMOIY
FANLAR**

**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**SOCIAL
SCIENCES
IN UZBEKISTAN**

2011

№1 -2

1960-yildan nashr etiladi. Bir yilda 4 soni chiqadi
Издается с 1960 г. Выходит по 4 номера в год

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
«FAN» NASHRIYOTI
TOSHKENT - 2011

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Доктор исторических наук Б.АБДУХАЛИМОВ (*главный редактор*), доктор философских наук К.НАЗАРОВ (*зам. главного редактора*), доктор исторических наук К.НОРМАТОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН РУз И.И.ИСКАНДЕРОВ, акад. АН РУз А.Р.МУХАМЕДЖАНОВ, акад. АН РУз Х.РАХМАНКУЛОВ, акад. АН РУз Э.В.РТВЕЛАДЗЕ, доктор экономических наук А.М.КАДЫРОВ, доктор филологических наук Н. МАХМУДОВ, доктор юридических наук Р.Дж.РУЗИЕВ, доктор юридических наук А.Х.САИДОВ, доктор экономических наук Б.Ю.ХОДИЕВ, доктор исторических наук Д.Ю.ЮСУПОВА, Б.И.КНОПОВ (*ответственный секретарь*).

Адрес редакции: 100047, Ташкент, Шахрисабзский проезд, 5.
Телефон: 236-78-27

ISSN 0202-151 X.

© O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti, 2011-yil.

С.ҒУЛОМОВ

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОДИМЛАРИ: МУАММО ВА САБОҚЛАР

(Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда Мустақилликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги фикрларига доир баъзи қайдлар)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган стратегик ислоҳотлар, бунёдкорлик жараёнлари нафакат республикамиз аҳолиси, балки бутун жаҳон афкор оммаси эътиборида, десак муболаға бўлмайди. Фикримизнинг исботи сифатида 2010 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлиси бўлиб ўтганлиги ва унда Президентимиз Ислоҳ Каримов сўзлаган нутқида бутун жаҳон эътиборини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасидаги ишлар, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёдаги бугунги жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари каби масалаларга қаратганлигини юксак фахр билан таъкидлаш жоиздир¹.

Шунингдек, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўнма мажлисида Юртбошимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» жаҳон ҳамжамиятини яна бир маротаба лол қолдирадиган, мамлакатнинг келажаги – истикболи учун муҳим босқич бўлган ўзгаришларнинг бошланиши ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг мантиқий давоми бўлди².

Моҳияти жиҳатидан Концепция мамлакатнинг узоқ йилларга мўлжалланган стратегик дастури бўлиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби жамият тараққиётининг барча соҳалари камраб олинган.

Мустақиллигимизнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ва фуқаролик жамияти тадрижий асосларга эга бўлган кучли ислоҳотчилик тамойиллари орқали юксалмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, «*Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни «шок терапияси» йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз тўғрисида, халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишига муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда*»³. Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётган жамият кучли

¹ Халқ сўзи. 2010 й. 22 сентябр.

² Ўша газета. 2010 й. 13 ноябр.

³ Ўша жойда.

ислохотчилик туфайли янгиладан олади. Бунинг учун янги тафаккур зарур бўлади. Янги тафаккурнинг юзага келиши учун муайян ижтимоий муҳит лозимдир. Ўзбекистонда бундай муҳит тезда яратилмади? Биз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига кадам қўйганимиздан сўнг, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислох қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги – эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўли белгилаб олинди.

Масъулиятли пайтларда кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқилобий ҳаракатларга қарши, тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, деб Юртбошимиз томонидан айтилган қатъий сўз ва мустаҳкам сиёсат изчил тарзда амалга оширилмоқда. Президентимиз Концепцияси бунинг эркин мисоли бўлиб, унда мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, давлат ҳокимиятининг учта субъекти – давлат бошлиғи Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар юзага келмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида Бош вазирни тайинлаш жараёнида парламентнинг ролини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритиш таклиф этилади. Бу бир қарашда қонунга киритилаётган оддий ўзгаришдек туюлса-да, аслида унинг замирида чуқур демократик ғоя намоён бўлади. Чунки унда мамлакатнинг ижро органи раҳбари ва унинг фаолияти устидан халқ томонидан сайланган депутатлар назорати кучайтирилмоқда, халқ вакилларига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми бериш ҳуқуқи киритилмоқда. Асосий Қонунимизга бундай ўзгартиришнинг киритилиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди ва демократик жараёнларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллигига, улар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ҳамда ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажакига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир. Қайд қилиш жоизки, бу ёш илмий ходимлардан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ёш олимлар Кенгаши олдига

ҳам қатор вазифаларни қўяди. Биринчи навбатда, олимларимиз мамлакатда содир бўлаётган улкан бундай ўзгаришларнинг туб моҳиятини фуқароларимизга етказишлари, қолаверса, мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги муҳим йўналиш – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўлиб, унинг асосий мақсади қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов қайд қилганидек, «Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш»¹, лозим бўлади. Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни янада либераллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Жамият ривожланар экан, ундаги муносабатлар ҳам мос равишда ўзгариб, янгиланиб боради. Бу табиий равишда мазкур муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг ҳам такомиллашувини талаб этади. Шў маънода Президентимизнинг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш тўғрисидаги таклифлари айтилган муддао, десак муболаға бўлмайди. Чунки мустақилликнинг қисқа даврида мамлакатимиздаги қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани – бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда. Қолаверса, бугун жамиятдаги асосий муносабатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, бундай ҳужжатларнинг аксарияти эса инсонлар тақдири билан боғлиқ экан, бу жараёнга ўзи бўларчилик асосида ёндошиб бўлмайди. Зеро, таклиф этилаётган мазкур қонун парламентимиз томонидан қабул қилинадиган бошқа қонунларнинг ҳам қандай бўлиши, қайси талабларга жавоб бериши тўғрисидаги масалаларга ойдинлик киритади.

Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасидаги таклифлар орасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилиши таклиф этилган куйидаги хулосаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Республикаимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш ва суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш мақсадида Президент томонидан судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибинини жорий этиш таклиф этилди. Бундан ташқари, жиноят ишларини кўриб чиқишда судларнинг тўла ҳолислигини таъминлаш мақсадида, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш ва суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини Жиноят-процессуал кодексидан чиқаришга оид Юртбошимиз

¹ Халқ сўзи. 2010 й. 13 ноябр.

таклифлари республикамызда инсон ҳуқуқлари кафолатининг яна бир ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг демократик тамойиллар асосидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Қисқа давр ичида мамлакатда фуқаролик жамияти куришнинг пойдевори – конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислохотлар натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди. Мухими, «учинчи сектор» билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистонда кучли жамиятга ўтиш даврида ўзини-ўзи бошқариш органларига, айниқса, маҳалла институтининг ривожига катта аҳамият берилмоқда. Юртимизда маҳалла қадимги даврлардан бошлаб халқнинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик эълон қилиниши билан маҳалла ўзининг қадимий, анъанавий ва ҳуқуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга, давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чуқур ислохотлар ҳам амалга оширилди. Мустақиллик даврида 10 мингга яқин маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари – ўзини-ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, шундан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади.

Мамлакатда нодавлат-ташкилотлар тизимини янада мустаҳкамлаш, мазкур ташкилотларнинг жамият барча ижтимоий қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини ифода этиш мақсадида 2003 йил 29 августда Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди¹. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 402 та республика аҳамиятига молик нодавлат жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда. Улардан 81 таси халқаро ташкилотлар мақомига эгадир. Нодавлат ташкилотларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 42 таси федерация, 16 таси касаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси кўмита, 37 таси бошқа номларда расмий рўйхатдан ўтган. Ҳозирги даврга келиб республика аҳамиятига молик, шунингдек, Қорақалноғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда давлат рўйхатида олинган 5000 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат-нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантиришда 2005 йилнинг 10 июнида ташкил топган «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси» мухим аҳамият касб этди. Мамлакатда мустақил, барқарор, аҳолининг турли қатламлари қўллаб-қувватлайдиган фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, яъни ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этиш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва иш фаоллигини ошириш учун 2005 йил 26 июлда «Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди» ташкил топди.

Конституциянинг 53-моддасида белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳам, мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. № 9 – 10 (1329 – 1330). 2003. 89–90-б.

ҳар қандай бузилиши ва у билан боғлиқ манфаатларга ҳар қандай путур етказилишининг таъқиқланиши ҳамда хусусий мулк ҳуқуқи у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бекор қилиниши мумкинлиги қондаси ҳам хусусий мулк дахлсизлиги мазмунини ифодалайди. Шу сабабли, «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида» ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги Президент томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Сўнгги даврларда тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби анча соддалаштирилди. Бу борадаги бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Республикамизда мустақиллик йилларида иктисодиётни ривожлантиришга оид бир қатор ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди ва ана шу ислохотлар орасида тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасида алоҳида вазифалар амалга оширилди. Чунки, бозор иктисодиётини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, тўла шакллантириб бўлмайди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ўрни жуда каттадир. Яъни, республикамизнинг бош сийёсати истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларга шарт-шароит яратиш берилган эди. Демак, республикамизда тадбиркорлик субъектларининг ташкил топиши ва уларга шарт-шароит яратиш ҳамда ҳуқуқларини қафолатловчи тўла ҳуқуқий асос ўз ифодасини топган, деб айтсак муболаға бўлмайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиёти иқтисодий муносабатлар қатнашчилари тенглигини, улар томонидан бозорда юриш-туриш, хулқ-атвор юзасидан қарор қабул қилишда эркинликни, уларнинг фаолиятига бирор-бир тарзда ноқонуний араллишининг тақиқланиши, бозорга тўсиқларсиз кириш ва ундан хоҳлаган вақтда чиқиб кетиш имкониятининг мавжудлигини назарда тутди. Рақобат айнан шундай даражага эришишнинг мажбурий шarti бўлиб ҳисобланади. Бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари қатта роль ўйнайди. Амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Хусусан, унда молия бозорларида, биржа савдоларини амалга ошириш жараёнида монополистик фаолиятни тартибга солиш масалалари етарлича ёритилмаган, қолаверса, қонундаги монополияга қарши механизмлар, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидалари бугунги кундаги иктисодиётни либераллаштириш нуқтаи назаридан соддалаштириш лозим бўлади. Шу сабабли, Президент томонидан таклиф этилган «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи мамлакатимизда бозор муносабатлари тамойиларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мустақил таракқиётимизнинг ўтган даврда амалга оширилган ишларимиз мантқиқий давоми сифатида, эртанги истикбол талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатлар дастури бўлиб, жамиятимиздаги ривожланиш муносабатларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Ш. К. Отажонов, Д. С. Алматова. Илм-фан ютуқлари ва инновацияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш истиқболлари	3
Э. Маҳмудов. Инвестицион майдонлар, инвестиция омиллари ва қонуниятлари ва категориялар мавжудлиги	8
Ҳ. Т. Мухитдинов. Ўзбекистондаги инновация жараёнларини институционал таъминлаш.....	11
Г. Хасанова. Модернизациялаштириш жараёнида саноат корхоналарига инновацион стратегияни татбиқ этиш усуллари	14
М. Нарзақуллова. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини кўтаришда инвестициялар аҳамияти	19
А. Т. Аҳмедиева. Ўзбекистон Республикаси инновацион лизинги ривожланишининг истиқболлари	23
Д. С. Носирхўжаева. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардош стратегияси ишланмаси ҳақида	26
Ш. Р. Холмўминов, Р. Д. Нажимадинов. Қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришдаги ҳудудий ёндашувлар	32
Ф. О. Бозоров. Солиқ тизими такомиллаштирилишининг тадбиркорликни ривожлантиришга таъсири	35
С. Фуломов. Мустақилликни мустаҳкамлаш одимлари: муаммо ва сабаблар.....	39
И. Э. Турсунов. Тадбиркорликни ривожлантиришда давлат бошқарувининг хорижий тажрибаси тўғрисида	44
А. Р. Ёқубжонов. Инновацион жараёнларни молиявий таъминлашда халқаро тажрибаларни қўллаш	47
Э. А. Маҳмудов. Ирландия иқтисодийётида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тажрибасидан	52
И. Р. Мавланов. Ҳиндистон Республикасида икки томонлама иқтисодий дипломатияни ривожлантириш	56
И. Г. Ревес. Ёш авлодни маънавий тарбиялашда мусиқа маданияти муҳим омил сифатида	61
Ш. С. Камолiddин. «Саман» атамасининг этимологик масаласи ҳақида.....	66

Мунозара минбари

С. А. Воронин. Баҳолашни самарали тарзда бошқариш – тузилмавий қайта қуришнинг фаол пировард мақсади	75
А. Э. Азимов. Шарқий Европа мамлакатларида шаклланган инновацион модели ривожланиши тажрибасидан.....	84

Тарих саҳифалари

Г. В. Мачин. Ўзбекистонда коллективлаштириш тарихига доир	89
М. Д. Тен. Корейларнинг Россия Узоқ Шарқидан Ўзбекистонга кўчирилиши сиёсатининг асосий омиллари (1937–1938 йиллар).....	96

Х. М а т я к у б о в. Қадимги Хоразмда зардуштийлик дини ва унинг давлат дини мақоми даражасига кўтарилиши.....	102
---	-----

Илмий ахборот

Н. Г а ф у р о в а. Биоэтика фани ва унинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини амалга оширишдаги ўрни.....	109
Г. Х. Б е р д и е в. Ўзбекистонда репродуктив ва болалар саломатлиги – баркамол авлод яратиш йўлида.....	111
М. А х м е д о в. Композиция ва симметрия таҳлили.....	113
М. А. Г а н и е в а. «Шахс ва жамият» фани – тарихий, ҳуқуқий ва фалсафий тушунчаларни ёритиш мезони.....	116
Ш. Х а м р а е в а. Одам савдоси – инсон ҳуқуқларига қарши қаратилган жиноят.....	118
Н. М а х к а м о в а. Талабаларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш модели.....	122
Х. А. М а х м у д о в. Ёшларда эркин фикрлаш маданиятини шакллантиришнинг илмий-назарий ва педагогик жиҳатлари.....	125
Ш. Г. А к б а р о в а. Толерантлик гуруҳларини шакллантиришда адабий дарсларнинг аҳамияти.....	127
М. Т о ш и б е к о в а. Комил инсон сифатларини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	129
М. Р а е м о в. Улуқсиз профессионал педагогик таълимни такомиллаштириш ҳақида.....	131
О. Ж а б б о р о в а. Тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни шакллантириш хусусида (аудиториядан ташқари машғулотларда).....	133
М. Э. М у с а е в а. Экологик муаммони ҳал қилиш – замон талаби.....	135
Н. Ж. И с а қ у л о в а. Ўқувчиларга экологик тарбияни ижтимоий фанлараро бериш муаммолари.....	136
И. А. Қ ў з и е в. «Қутадғу билиг» ва талабаларни касбга тайёрлаш (дардан ташқари фаолиятда).....	138
А. Ж ў р а қ у л о в а. Ўқувчиларнинг қобилиятини шакллантиришда ностандарт масалаларнинг аҳамияти.....	139

Тарихшунослик

Г. А. Р е у к а. Ўзбекистонда 1971–1991 йилларда илмий-техника фаолияти муаммолари тарихшунослигига доир.....	141
Б. М. Б а б а д ж а н о в. Қўқон тарихчилари асарларида қайта аниқлаш (қада/каза) қарашлари тўғрисида.....	147

Янги китоблар

Б. Ш. Р а ж а б о в. С.С.Фулотов, Б.А.Бегалов. Информатика ва ахборот технологиялари: Ўқув дарслиги.....	152
Т. Т. Ж ў р а е в. Муъссар Мирзакаримова. Иқтисодий цикл: таркибий ўзгаришлар ва бандлик масалалари.....	153
К. М у ф т а й д и н о в. З.Р.Худойбердиев. Ўтиш даврининг иқтисодий шароитида меҳнат бозори: назарий ва амалий масалалар.....	154
Р. Р а х м а н о в. Ш. Хаитов. Муроса ва Ўзбекистон фалсафа тарихига кириш.....	155
И.Б. Закиров. Эшонова Шоирахон. Ўрта Осиёда қози судлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари (XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг 20-йиллари).....	156
Журналнинг 2010 йил мундарижаси.....	157

СОДЕРЖАНИЕ

Год малого бизнеса и частного предпринимательства

Ш. К. Отаджанов, Д. С. Алматова. Успехи науки и инновации на основании перспективного развития малого бизнеса.....	3
Э. Махмудов. Инвестиционные поля, их закономерности и категориальная сущность инвестиционного потенциала.....	8
Х. Т. Мухитдинов. Институциональное обеспечение инновационного процесса в Узбекистане.....	11
Г. Хасанова. Методы применения инновационной стратегии промышленных предприятия в процессе модернизации.....	14
М. Нарзакулова. Значения инвестиций в технической оснащенности производства.....	19
А. Т. Ахмедиева. Стимулирование развития инновационного лизинга в Республике Узбекистан.....	23
Д. С. Насырходжаева. К разработке конкурентной стратегии предприятий текстильной промышленности Узбекистана.....	26
Ш. Р. Холмуминов, Р. Д. Нажимадинов. Местное отношение в управлении сельского трудового рынка.....	32
Ф. О. Бозоров. Влияние совершенствования налоговой системы на развитие предпринимательства.....	35
С. Гулямов. Шаги укрепления независимости: проблемы и уроки.....	39
И. Э. Турсунов. О зарубежном опыте государственного регулирования развития предпринимательства.....	44
А. Р. Ёкубжонов. Из международного опыта финансового обеспечения инновационных процессов.....	47
Э. А. Махмудов. Из опыта развития информационно-коммуникационных технологий в экономике Ирландии.....	52
И. Р. Мавланов. Развитие двусторонней экономической дипломатии Республики Индия.....	56
И. Г. Ревес. Музыкальная культура как важный фактор воспитания духовности молодого поколения.....	61
Ш. С. Камолитдин. К вопросу об этимологии слова «Саман».....	66

Дискуссионная трибуна

С. А. Воронин. Эффективное регулирование ценообразования – предпосылка активизации структурных преобразований.....	75
А. Э. Азимов. Из опыта создания инновационной модели развития восточно-европейских стран.....	84

Страницы истории

Г. В. Мачин. К истории коллективизации в Узбекистане.....	89
М. Д. Тен. Основные факторы политики депортации корейцев с Дальнего Востока России в Узбекистан (1937 – 1938 гг.).....	96

Х. М а т ь я к у б о в. Религия зараастризма в Древнем Хорезме и ее подъем на уровень религии государственного статуса.....	102
---	-----

Научные сообщения

Н. Г а ф у р о в а. Биоэтическая наука и ее место в реализации права на здоровье.....	109
Г. Х. Б е р д и е в. Репродуктивность и здоровье детей в Узбекистане – пути гармонично развитого поколения.....	111
М. А х м е д о в. Композиция и симметрический анализ.....	113
М. А. Г а н и е в а. Цена освещения исторических, правовых и философских понятий в курсе «Человек и общество».....	116
Ш. Х а м р а е в а. Торговля людьми – преступление против прав человека.....	118
Н. М а х к а м о в а. Формирование модели правовой культуры у студентов.....	122
Х. А. М а х м у д о в. Научно-теоретическая и педагогическая сторона формирования свободного осмысления культуры у молодежи.....	125
Ш. Г. А к б а р о в а. Значение уроков литературы в создании группы толерантности.....	127
М. Т а ш и б е к о в а. Применение инновационной технологии в создании качественно гармонично развитого человека.....	129
М. Р а е м о в. О совершенствовании непрерывного профессионально-педагогического образования.....	131
О. Ж а б б о р о в а. О формировании художественного мышления у преподавателей прикладного искусства (На внеаудиторных занятиях).....	133
М. Э. М у с а е в а. Решение экологических проблем – веление времени.....	135
Н. Ж. И с а к у л о в а. Проблемы формирования экологического воспитания учащихся в межпредметных общественных науках.....	136
И. А. К у з и е в. «Кутадгу билиг» – книга, которая подготавливает студентов к профессии (После уроков).....	138
А. Д ж у р а к у л о в а. Значение нестандартных вопросов в формировании интеллекта учащихся.....	139

Историография

Г. А. Р е у к а. К историографии проблемы научно-технической деятельности в Узбекистане 1971–1991 годов.....	141
Б. М. Б а б а д ж а н о в. Учение о предопределении (<i>када/каза</i>) в трудах кокандских историков.....	147

Новые книги

Б. Ш. Р а ж а б о в. <i>С.С.Фуломов, Б.А.Бегалов. Информатика и информационные технологии: Учебник</i>	152
Т. Т. Д ж у р а е в. <i>Муяссар Мирзакаримова. Экономический цикл: структурные преобразования и вопросы занятости</i>	153
К. М у ф т а й д и н о в. <i>З.Худойбердиев. Рынок труда в условиях экономики переходного периода: теоретические и практические вопросы</i>	154
Р. Р а х м а н о в. <i>Ш.Хаитов. Мурса и введение в историю философии Узбекистана</i>	155
И. Б. З а к и р о в. <i>Эшонова Шоирахон. Правовые основы деятельности судов казиев в Средней Азии во II половине XIX века – 20-х годах XX века</i>	156

<i>Содержание журнала за 2010 год</i>	157
---	-----